# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТЎЛОВ БАЛАНСИ, ХАЛҚАРО ИНВЕСТИЦИЯВИЙ МАВҚЕИ ВА ТАШҚИ ҚАРЗИ




ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ
- 2025 -

| | |
|---|---|
| Бу қандай нашр? | Ушбу нашр 2025 йилнинг I чораги учун Ўзбекистон тўлов баланси, халқаро инвестициявий мавқеи ҳамда ташқи қарзи бўйича маълумотларни ўз ичига олиб, Халқаро валюта жамғармасининг “Тўлов баланси ва халқаро инвестициявий мавқе бўйича қўлланмаси”нинг олтинчи нашрига (ТБҚ 6-сон, ХВЖ, 2009 й.) ҳамда “Ташқи қарз статистикаси бўйича қўлланма”га (2013 й.) мувофиқ тайёрланган. |
| Маълумотлар қайси санага долзарб? | Ушбу нашрда келтирилган статистик маълумотлар 2025 йил 30 июнь ҳолатига долзарб ҳисобланади. |
| Маълумотларни қаердан олиш мумкин? | Тўлов баланси, халқаро инвестициявий мавқеи ҳамда ташқи қарзи бўйича таҳлилий ва стандарт кўринишдаги статистик жадваллар Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг http://www.cbu.uz/ ва ХВЖнинг http://data.imf.org/ веб-сайтлари орқали тақдим қилинмоқда. |
| Нашрга тааллуқли савол ва таклифлар бўйича қандай мурожаат қилиш мумкин? | **О.О. Тожиддинов**<br>*Валютани тартибга солиш ва тўлов баланси департаменти директори*<br><br>(+998) 71 212-60-38 o.tojiddinov@cbu.uz<br><br>**Ш.Х. Хайитбоев**<br>*Тўлов баланси бошқармаси бошлиғи ўринбосари*<br><br>(+998) 71 212-60-42 sh.khayitboev@cbu.uz<br><br>Шунингдек, саволлар ва таклифлар қўшимча равишда val@cbu.uz электрон почта манзилига юборилиши мумкин. |

## ҚИСҚАЧА ШАРҲ

2025 йилнинг I чораги давомида глобал миқёсда савдо сиёсатининг кескинлашиши ва фрагментация жараёнларининг кучайиши бўйича иқтисодий хатар ва ноаниқликларнинг янада ортиши фонида Ўзбекистоннинг анъанавий экспорт маҳсулотлари жаҳон нархларининг юқори даражада сақланиб қолиши кузатилди. Шунингдек, мазкур даврда ташқи меҳнат миграцияси ва туризм йўналишларида ўтган йил давомида кузатилган ижобий тенденциялар сақланиб қолди.

Ҳисобот чорагида **жорий операциялар ҳисоби 160,7 млн** доллар манфий сальдо билан шаклланди *(2024 йилнинг I чорагида 2,1 млрд долл)*.

**Савдо балансининг манфий сальдоси** ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 34 фоизга қисқариб, 2,6 млрд долларни ташкил қилди. Бу экспорт ҳажмининг юқори суръатларда ўсиши шароитида импортнинг деярли ўзгаришсиз сақланиб қолиши билан изоҳланади.

Хусусан, **жами экспорт** ҳажми **22 фоизга** ошиб, қарийб **8 млрд** долларни ташкил қилган бўлса, **жами импорт** ҳажми **10,5 млрд** доллар атрофида шаклланди.

2025 йилнинг I чораги давомида Ўзбекистонга келиб тушган халқаро пул ўтказмалар ҳажмининг ўсиши **бирламчи** ва **иккиламчи даромадлар** баланси ижобий сальдо *(мос равишда 148,9 млн долл ва 2,2 млрд долл)* билан шаклланишига сабаб бўлди.

**Жорий операциялар ҳисоби компонентлари**
*ЯИМга нисбатан фоизда*



Жорий операциялар ҳисоби тақчиллиги тўғридан-тўғри, портфель ва бошқа инвестициялар жалб қилиниши ҳисобига молиялаштирилди.

Жумладан, 2025 йилнинг I чораги давомида мамлакатга **тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг соф киритилиши**[1] 2024 йилнинг мос даврига нисбатан қарийб 2 бароборга ўсиб, 752,3 млн долларга тенг бўлди.

**Портфель инвестицияларнинг соф жалб қилиниши** асосан халқаро облигациялар билан боғлиқ операциялар ҳисобига 1,5 млрд долларни ташкил қилди.

Юқоридаги таркибий омиллар ҳисобига 2025 йилнинг I чораги якуни бўйича **молиявий ҳисоб** манфий сальдоси **791,1 млн** долларни ташкил этди.

**Молиявий ҳисоб компонентлари**

*ЯИМга нисбатан фоизда*




Ҳисобот даврида **халқаро захира активларининг** хорижий валютадаги қисми 1,8 млрд долларга кўпайиши кузатилди. Шунингдек, олтин жаҳон нархининг юқори суръатларда ўсиши натижасида халқаро захиралар қолдиғи жорий йил бошига нисбатан қарийб 6,7 млрд долларга кўпайиб, 2025 йилнинг 1 апрель ҳолатига **47,9 млрд** долларни ташкил қилди.

Тўлов балансида акс этган амалиётлар ва нооперациявий ўзгаришлар таъсирида Ўзбекистоннинг **соф халқаро инвестициявий мавқеи** жорий йил бошига нисбатан **24 фоизга** мустаҳкамланиб, 2025 йил 1 апрель ҳолатига **17,2 млрд** долларга етди.

---

*[1] Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар бўйича маълумотлар Халқаро валюта жамғармасининг қўлланмасига (ТБҚ 6-сон, ХВЖ, 2009 й.) мувофиқ соф ҳажмларда (инвестиция киритилиши ва репатриацияси ўртасидаги сальдо) акс эттирилади.*

Бунда, резидентларнинг чет эл валютасидаги активлари ҳажми йил бошига нисбатан 7,9 млрд долларга *(8 фоиз)* ҳамда ташқи мажбуриятлари ҳажми 4,6 млрд долларга *(5 фоиз)* кўпайди.

Ҳисобот чораги якунига кўра, **умумий ташқи қарз** ҳажми **68,4 млрд** долларни ташкил қилиб, шундан давлат ташқи қарзи ҳажми 35,8 млрд доллар[2] ҳамда корпоратив ташқи қарз ҳажми 32,6 млрд долларга тенг бўлди.

*Маълумот учун: корпоратив ташқи қарз таркибида хусусий сектор, жумладан тадбиркорлик субъектлари томонидан давлат кафолатисиз жалб этилган ташқи қарзлар акс эттирилади. Шу ўринда, ХВЖ ҳамда халқаро рейтинг агентликлари баёнотларида Ўзбекистоннинг ташқи қарз юки ўртача даражада эканлиги (асосан имтиёзли шартларда олинган) эътироф этилган.*

*Марказий банк Ўзбекистон тўлов баланси, халқаро инвестициявий мавқеи ва ташқи қарз кўрсаткичларини шакллантириш доирасидаги ҳамкорлик учун тегишли вазирлик, идора ва бошқа ташкилотларга ўз миннатдорчилигини билдиради.*

[2] *ХВЖнинг ТБҚ 6-сон қўлланмасига мувофиқ давлат ташқи қарзи қолдиғи ҳисобланган, лекин тўланмаган фоизларни ҳам ўз ичига олади.*

## 1-илова. 2023-2025 йилларнинг I чораклари учун тўлов баланси

*(таҳлилий кўриниши)*

*(млн доллар)*

| Кўрсаткичлар | 2023 йил I чорак | 2024 йил I чорак | 2025 йил I чорак |
|---|---|---|---|
| **A. Жорий операциялар ҳисоби сальдоси** | **-1 179,0** | **-2 051,7** | **-160,7** |
| Товарлар, кредит (экспорт) | 4 981,8 | 5 331,4 | 6 261,0 |
| Товарлар, дебет (импорт) | 7 687,2 | 8 063,4 | 7 646,5 |
| Хизматлар, кредит (экспорт) | 986,8 | 1 203,2 | 1 713,6 |
| Хизматлар, дебет (импорт) | 1 784,4 | 2 369,0 | 2 884,9 |
| *Савдо баланси сальдоси* | *-3 503,0* | *-3 897,8* | *-2 556,7* |
| Бирламчи даромадлар, кредит | 1 350,1 | 1 406,3 | 1 405,4 |
| Бирламчи даромадлар, дебет | 720,8 | 1 010,8 | 1 256,5 |
| *Савдо баланси ва бирламчи даромадлар сальдоси* | *-2 873,7* | *-3 502,3* | *-2 407,8* |
| Иккиламчи даромадлар, кредит | 1 917,7 | 1 692,1 | 2 506,0 |
| Иккиламчи даромадлар, дебет | 222,9 | 241,5 | 259,0 |
| **B. Капитал операциялари ҳисоби** | **1,2** | **0,3** | **0,8** |
| Капитал операциялар ҳисоби, кредит | 1,2 | 0,3 | 0,8 |
| Капитал операциялар ҳисоби, дебет | 0,0 | 0,0 | 0,0 |
| *Жорий операциялар ҳисоби ва капитал операциялар ҳисоби сальдоси* | *-1 177,8* | *-2 051,4* | *-160,0* |
| **C. Молиявий ҳисоб (захира активларидан ташқари)** | **333,2** | **-625,5** | **-2 621,0** |
| Тўғридан тўғри инвестициялар, активлар | 9,6 | 4,7 | 3,5 |
| Тўғридан тўғри инвестициялар, мажбуриятлар | 203,9 | 380,1 | 752,3 |
| Портфель инвестициялар, активлар | 0,2 | 0,0 | 0,0 |
| Капиталда иштирок этиш инструментлари ва инвестицион фондларнинг пай/акциялари | 0,2 | 0,0 | 0,0 |
| Қарз инструментлари | 0,0 | 0,0 | 0,0 |
| Портфель инвестициялар, мажбуриятлар | 14,9 | -485,1 | 1 542,3 |
| Капиталда иштирок этиш инструментлари ва инвестицион фондларнинг пай/акциялари | 2,9 | -18,6 | 2,9 |
| Қарз инструментлари | 12,0 | -466,5 | 1 539,4 |
| Ҳосилавий молиявий инструментлар (олтин-валюта захираларидан ташқари) | 0,5 | 0,0 | 0,0 |
| Ҳосилавий молиявий инструментлар, активлар | 0,0 | 0,0 | 0,0 |
| Ҳосилавий молиявий инструментлар, мажбуриятлар | -0,5 | 0,0 | 0,0 |

| Кўрсаткичлар | 2023 йил I чорак | 2024 йил I чорак | 2025 йил I чорак |
|---|---|---|---|
| Бошқа инвестициялар, активлар | 883,3 | 361,1 | 1 152,9 |
| Капиталда иштирок этишнинг бошқа инструментлари | 0,4 | 0,0 | 0,0 |
| Қарз инструментлари | 882,9 | 361,1 | 1 152,9 |
| Марказий банк | 0,0 | 0,0 | 0,0 |
| Депозит ташкилотлари, Марказий банк бундан мустасно | -611,0 | 84,4 | -50,0 |
| Давлат бошқарув сектори | -7,0 | -4,0 | -4,5 |
| Бошқа секторлар | 1 500,8 | 280,7 | 1 207,5 |
| Бошқа молиявий ташкилотлар | 0,0 | 0,0 | 0,0 |
| Номолиявий ташкилотлар, уй хўжаликлари ва УХХКНТ | 1 500,8 | 280,7 | 1 207,5 |
| Бошқа инвестициялар, мажбуриятлар | 341,6 | 1 096,2 | 1 482,7 |
| Капиталда иштирок этишнинг бошқа инструментлари | 0,0 | 0,0 | 0,0 |
| МҚҲ тақсимланиши | 1,0 | -0,2 | -0,5 |
| Қарз инструментлари | 340,6 | 1 096,4 | 1 483,2 |
| Марказий банк | 0,0 | 0,0 | 0,0 |
| Депозит ташкилотлари, Марказий банк бундан мустасно | 422,5 | -179,9 | 510,9 |
| Давлат бошқарув сектори | 421,0 | 857,5 | 265,1 |
| Бошқа секторлар | -502,9 | 418,7 | 707,2 |
| Бошқа молиявий ташкилотлар | 4,5 | 3,5 | 1,3 |
| Номолиявий ташкилотлар, уй хўжаликлари ва УХХКНТ | -507,4 | 415,3 | 705,9 |
| **D. Соф хатолар ва йўқотишлар** | **-37,9** | **373,1** | **-631,1** |
| **E. Умумий баланс** | **1 549,0** | **1 052,8** | **-1 830,0** |
| **F. Захиралар ва улар билан боғлиқ моддалар** | **-1 549,0** | **-1 052,8** | **1 830,0** |
| Захира активлари | -1 548,7 | -1 083,5 | 1 799,9 |
| ХВЖдан соф қарз жалб қилиш (ХВЖдаги захира позициясидан ташқари) | 0,2 | -30,7 | -30,1 |
| Бошқа молиялаштириш | 0,0 | 0,0 | 0,0 |

*Ушбу статистик ҳисобот тўлов балансини тузиш қўлланмасининг (ТБҚ 6-сон, ХВЖ, 2009 й.) 6-нашрида келтирилган таҳлилий кўринишни акс эттиради.*

## 2-илова. 2023-2024 йиллар ва 2025 йилнинг I чораги учун халқаро инвестициявий мавқе

*(таҳлилий кўриниши)*

*(млн доллар)*

| Кўрсаткичлар | 01.01.2024й. | 01.01.2025й. | 01.04.2025й. |
|---|---|---|---|
| **Активлар** | **84 883,5** | **96 673,0** | **104 596,3** |
| **Тўғридан-тўғри инвестициялар** | **209,9** | **243,8** | **251,5** |
| Капиталда иштирок этиш инструментлари ва инвестицион фондларнинг пай/акциялари | 37,1 | 69,0 | 76,7 |
| Тўғридан-тўғри инвесторнинг тўғридан-тўғри инвестиция киритилган корхонага инвестициялари | 37,1 | 69,0 | 76,7 |
| Тўғридан-тўғри инвестиция киритилган корхонанинг тўғридан-тўғри инвесторга инвестицияси (тескари инвестициялаш) | 0,0 | 0,0 | 0,0 |
| Қардош корхоналар ўртасида инвестициялар | 0,0 | 0,0 | 0,0 |
| Қарз инструментлари | 172,8 | 174,8 | 174,8 |
| Тўғридан-тўғри инвесторнинг тўғридан тўғри инвестиция киритилган корхонага инвестициялари | 2,5 | 2,6 | 2,6 |
| Тўғридан-тўғри инвестиция киритилган корхонанинг тўғридан-тўғри инвесторга инвестицияси (тескари инвестициялаш) | 0,0 | 0,0 | 0,0 |
| Қардош корхоналар ўртасида инвестициялар | 170,4 | 172,2 | 172,2 |
| **Портфель инвестициялар** | **2,9** | **3,1** | **3,3** |
| Капиталда иштирок этиш инструментлари ва инвестицион фондларнинг пай/акциялари | 2,9 | 3,1 | 3,3 |
| Марказий банк | 0,0 | 0,0 | 0,0 |
| Марказий банкдан бошқа депозит ташкилотлари | 1,1 | 1,1 | 1,1 |
| Давлат бошқаруви сектори | 0,0 | 0,0 | 0,0 |
| Бошқа секторлар | 1,8 | 2,0 | 2,2 |
| Бошқа молиявий ташкилотлар | 0,0 | 0,0 | 0,0 |
| Қарз қимматли қоғозлари | 0,0 | 0,0 | 0,0 |
| Марказий банк | 0,0 | 0,0 | 0,0 |
| Марказий банкдан бошқа депозит ташкилотлари | 0,0 | 0,0 | 0,0 |
| Давлат бошқаруви сектори | 0,0 | 0,0 | 0,0 |
| Бошқа секторлар | 0,0 | 0,0 | 0,0 |
| Бошқа молиявий ташкилотлар | 0,0 | 0,0 | 0,0 |

| Кўрсаткичлар | 01.01.2024й. | 01.01.2025й. | 01.04.2025й. |
|---|---|---|---|
| **Ҳосилавий молиявий инструментлар (олтин валюта захираларидан ташқари) ва ходимлар учун акцияларнинг опционлари** | **0,0** | **0,0** | **0,0** |
| **Бошқа инвестициялар** | **50 106,0** | **55 244,5** | **56 487,7** |
| Бошқа капиталда иштирок этиш инструментлари | 2,0 | 7,0 | 7,0 |
| Қарз инструментлари | 50 104,0 | 55 237,4 | 56 480,6 |
| Марказий банк | 0,0 | 0,0 | 0,0 |
| Марказий банкдан бошқа депозит ташкилотлари | 3 242,7 | 4 061,9 | 4 091,8 |
| Давлат бошқаруви сектори | 4,8 | 2,8 | 4,5 |
| Бошқа секторлар | 46 856,4 | 51 172,8 | 52 384,4 |
| Бошқа молиявий ташкилотлар | 0,0 | 0,0 | 0,0 |
| **Захира активлари** | **34 564,6** | **41 181,6** | **47 853,8** |
| Монетар олтин | 24 632,2 | 32 036,7 | 36 880,0 |
| Қарз олишларнинг махсус ҳуқуқлари | 563,0 | 547,3 | 557,6 |
| ХВЖдаги захира позицияси | 0,0 | 0,0 | 0,0 |
| Бошқа захира активлари | 9 369,5 | 8 597,7 | 10 416,2 |
| **Мажбуриятлар** | **72 481,7** | **82 866,3** | **87 422,3** |
| **Тўғридан-тўғри инвестициялар** | **14 866,9** | **16 730,6** | **17 498,5** |
| Капиталда иштирок этиш инструментлари ва инвестицион фондларнинг пай/акциялари | 11 356,8 | 12 188,4 | 12 381,4 |
| Тўғридан-тўғри инвесторнинг тўғридан-тўғри инвестиция киритилган корхонага инвестициялари | 11 356,8 | 12 188,4 | 12 381,4 |
| Тўғридан-тўғри инвестиция киритилган корхонанинг тўғридан-тўғри инвесторга инвестицияси (тескари инвестициялаш) | 0,0 | 0,0 | 0,0 |
| Қардош корхоналар ўртасида инвестициялар | 0,0 | 0,0 | 0,0 |
| Қарз инструментлари | 3 510,1 | 4 542,2 | 5 117,1 |
| Тўғридан-тўғри инвесторнинг тўғридан-тўғри инвестиция киритилган корхонага инвестициялари | 3 217,4 | 4 090,2 | 4 566,5 |
| Тўғридан-тўғри инвестиция киритилган корхонанинг тўғридан-тўғри инвесторга инвестицияси (тескари инвестициялаш) | 0,0 | 0,0 | 0,0 |
| Қардош корхоналар ўртасида инвестициялар | 292,7 | 451,9 | 550,6 |

| Кўрсаткичлар | 01.01.2024й. | 01.01.2025й. | 01.04.2025й. |
|---|---|---|---|
| **Портфель инвестициялар** | **5 295,5** | **8 428,4** | **10 095,8** |
| Капиталда иштирок этиш инструментлари ва инвестицион фондларнинг пай/акциялари | 123,7 | 116,7 | 120,5 |
| Марказий банк | 0,0 | 0,0 | 0,0 |
| Марказий банкдан бошқа депозит ташкилотлари | 57,5 | 75,1 | 76,8 |
| Давлат бошқаруви сектори | 0,0 | 0,0 | 0,0 |
| Бошқа секторлар | 66,3 | 41,7 | 43,7 |
| Бошқа молиявий ташкилотлар | 1,7 | 1,3 | 2,0 |
| Қарз қимматли қоғозлари | 5 171,8 | 8 311,7 | 9 975,3 |
| Марказий банк | 0,0 | 0,0 | 0,0 |
| Марказий банкдан бошқа депозит ташкилотлари | 1 027,7 | 2 340,4 | 2 354,2 |
| Давлат бошқаруви сектори | 3 284,9 | 4 049,9 | 5 650,0 |
| Бошқа секторлар | 859,2 | 1 921,4 | 1 971,2 |
| Бошқа молиявий ташкилотлар | 0,0 | 0,0 | 0,0 |
| **Ҳосилавий молия инструментлар (олтин-валюта захираларидан ташқари) ва ходимлар учун акцияларнинг опционлари** | **0,0** | **0,0** | **0,0** |
| **Бошқа инвестициялар** | **52 319,3** | **57 707,3** | **59 828,0** |
| Бошқа капиталда иштирок этиш инструментлари | 0,0 | 0,0 | 0,0 |
| Қарз олишларнинг махсус ҳуқуқлари (мажбуриятларни соф қабул қилиш) | 1 068,8 | 1 037,4 | 1 056,5 |
| Бошқа қарз инструментлари | 51 250,5 | 56 669,9 | 58 771,5 |
| Марказий банк | 0,0 | 0,0 | 0,0 |
| Марказий банкдан бошқа депозит ташкилотлари | 11 215,2 | 11 679,8 | 12 330,4 |
| Давлат бошқаруви сектори | 21 353,4 | 25 342,8 | 25 821,4 |
| Бошқа секторлар | 18 682,0 | 19 647,2 | 20 619,6 |
| Бошқа молиявий ташкилотлар | 114,1 | 119,3 | 125,7 |
| **Соф халқаро инвестициявий мавқе** | **12 401,8** | **13 806,7** | **17 174,0** |